**2-сонли Хизмат кўрсатиш**
# ШАРТНОМАСИ

**Навоий шаҳри** **2022 йил “21” январь**

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Навоий вилояти бўлими** кейинги ўринларда (“Бажарувчи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раис О. Аслонов ҳамда иккинчи томондан Низом асосида фаолият юритувчи Навоий вил ДСБ (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) раҳбар И. Рахимов мазкур шартномани қуйидагича туздилар.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

**1.1.** Ушбу шартнома бўйича **“Бажарувчи” “Буюртмачи”**нинг буюртмасига асосан белгиланган хизматларни бажаради.

**“Буюртмачи”** эса ушбу кўрсатилган хизматларни белгиланган тартибда қабул қилиб олади.

**1.2. “Бажарувчи”** ва **“Буюртмачи”** учун:

(Бажариладиган ишнинг номи, маркаси, артикули)

| Т/р | Бажариладиган ишнинг номи | Ўлчов бирлиги | Ҳажми (миқдори) | Нархи | ҚҚС | | Умумий сўммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Микдо-ри | Суммаси | |
| 1 | МАТБУОТ АНЖУМАНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ХИЗМАТИ | хизмат | 1 | 1500000 | *ҚҚСсиз* | *ҚҚСсиз* | 1500000 |
| | | | | | | | Х |
| | | | | | | | Х |
| | ЖАМИ: | | | | | | 1500000 |

## 2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

**“БАЖАРУВЧИ”** нинг мажбуриятлари:

**2.1.** Ишни ва унга оид ҳужжатларни ушбу шартнома шартлари асосида **“Буюртмачи”**га сифатли ва ўз вақтида топшириш.

**“БУЮРТМАЧИ”**нинг мажбуриятлари:

**2.2.** Ишни 3 кун муддатда кўздан кечириш. Ишнинг мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аниқланган тақдирда, **“Буюртмачи”** шу муддатда **“Бажарувчи”**га аниқланган номувофиқликлар ҳақида маълумотларни акс эттирувчи хабарнома (рекламация) юборади.

**2.3.** Шартномада белгиланган баҳода иш ҳаққини тўлайди.

## 3. ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

Мазкур шартнома суммаси: **1 500 000 (Бир миллион беш юз минг)** сўм

**3.1.** Ҳар бирлиги учун сўмда ҳақ тўланади.

**3.2. Мазкур шартнома бўйича ҳисоб-китоблар олдиндан 30% тўлаш, қолган 70% қисмини иш қабул қилинган кундан бошлаб 10 кун давомида тўлаш йўли билан амалга оширилади.**

**3.3. “Бажарувчи”**нинг айби билан **“Буюртмачи”** ишни кўздан кечириш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, у иш ҳаққини тўлашни кечиктиришга ҳақли.

## 4. ИШНИ ТОПШИРИШ ШАРТЛАРИ.

**4.1.** Иш бажарилгандан сўнг **“Бажарувчи”** ва **“Буюртмачи”** топшириш-қабул қилиш далолатномасини тузиб, имзолайди ва мухрлайди.

**4.3.** Ишни топширишдан бошлаб келишилган муддатга қадар **“Бажарувчи”** сифатига кафолат беради ва алмаштиришни ўз зиммасига олади.

**4.4.** Ушбу шартнома шартларига мувофиқ иш бажарилган жойидан топширилади.

## 5. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

**5.1.** Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Ғазначилик бошкармасидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил “31” декабргача амал қилади.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

**6.1.** Ишни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва **20 %** миқдорида жарима тўлайди.

**6.2.** Тўловни кечиктирганлиги учун **"Буюртмачи" "Бажарувчи"**га ҳар бир кечиктирилган кун учун, тўловни кечиктирилган қийматининг **0,4 %** миқдорида, лекин ушбу сумманинг **50 %** дан ошмайдиган миқдорда тавон (пеня) тўлайди.

**6.3.** Неустойкани тулаш тарафларини шарнома буйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

**6.4.** Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ.

**7.1.** Ушбу шартнома юзасидан тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

**7.2.** Музокаралар олиб бориш йўли билан низони ҳал этиш имконияти бўлмаган тақдирда талабнома билдириш тартибига риоя қилинганидан кейин Навоий вилояти иқтисодий судига кўриб чиқиш учун топширилади.

## 8. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ ҲОЛАТЛАРИ.

**8.1.** Томонларнинг хоҳиш-истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда (ноқулай об-ҳаво шароитлари, зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар (форс-мажор)) туфайли бажарилмаган ёки қисман бажарилмаган (етказиб берилмаган ёки тўлаб берилмаган)лиги, шартнома шартларини ижро этиш бузилган, деб ҳисобланмайди ва ушбу ҳолатда томонларни шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечиктирилади.

## 9. БОШҚА ШАРТЛАР.

**9.1.** Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда иккинчи тарафнинг талаби билан бекор қилиниши мумкин. Шартномани бир тарафлама бекор қилиш ёзма таклиф бериш йўли билан амалга оширилади.

Таклиф олингандан сўнг 3 кун муддат ичида унга жавоб олинмаган тақдирда шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

**9.2.** Тарафлар ўзларининг юридик манзиллари ва бошқа реквизитлари ўзгарганлиги ҳақида бир-бирларини 3 кун муддат ичида хабардор қилишлари шарт.

**9.3.** Шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бажарилган ёки тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳолдагина ҳақиқийдир.

**9.4.** Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга ҳисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.

**9.5.** Шартномага иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

**"БАЖАРУВЧИ"**

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий**
**Уюшмаси Навоий вилояти бўлими**
210600 Навоий шаҳри, Навоий – 36 уй.
Телефон: 79-224-44-67.
Х/р: 20212 00010 43363 89001.
Навоий ш. "Микрокредитбанк" АТБ
МФО:00198, ИНН: 205 102 686.
ОКОНХ: _______

**М.Ў. Раис** **О. АСЛОНОВ**

Бухгалтер ________

**"БУЮРТМАЧИ"**

Навоий вилоят ДСБ
Юридик манзилгоҳ Навоий ш. Навоий кўчаси 27б уй
ТЕЛ: 79 2206018
ФАКС: –
ШХ/Р 400110860124017011332093001
Банк номи Марказий банк
МФО: 00014
ИНН : 200006247

ХТУТ ________________
КТУТ ________________

Раҳбар ________________ Ш. Рахимов
(имзо)

NAV... DAVLAT ... BOSHQARMASI
YURID... BO'LIM № 85
Imzo ________ 01. 01. 2022 y.